



Юқоридаги мулоҳаза ва изланишлар шундан гувоҳлик берадики, араб ёзуви асосидаги баъзи ҳарфлар графема сифатида қўлланилишидан ташқари, шакл ва қўриниши ҳамда нутқдаги мавқеига кўра бошқа маъноларни ифодалашда ҳам хизмат қилади. Бу бир томондан, мазкур мукаддас ёзув ҳарфларининг ўзига хос шаклга эга эканлигини кўрсатса, бошқа томондан, ҳассос шоирлар поэтик мазмун ва фикрларини ифодалашда имкон қадар улардан кўпроқ фойдаланишга, бадиий образ яратиб китобхонларга хосса маънилар тақдим этишга интиланлигини кўрсатади.

Абдурахмон Жомий ғазалиёти мисолида бадиий сўзнинг бундай нозикликларини тадқиқ этиш натижасида шу нарса аён бўладики, шоир юксак истеъдод соҳиби сифатида устозлари Мавлавий Румий ва Камол Хўжандий сингари сўзнинг янги “либос”и, янги чиройини намоиш этди. Бинобарин, ўз таъбири билан айтганда “Жомий шоир эмас, сеҳргардир”:

Он парирухро ба афсуни сухан тасхир кард,
З-он сабаб гўянд шоир нест Чомй, сохир аст.



МУМТОЗ ФОРС АДАБИЁТИДА ҲИКОЯТ ЖАНРИНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

ҲАМИДОВ ХУСРАВ

ТошДШИ тадқиқотчиси

Аннотация. Ушбу мақолада мумтоз форс адабиётида ҳикоят жанрининг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёти ҳақида баҳс юритилади. Ҳикоятнинг жанрий қўлланилиши ҳамда насрий ва назмий асарларда унинг мақоми ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Таянч сўз ва иборалар: ҳикоят, табақалаштириш, ирфоний достончилик, новелла, “Ҳазор афсона”.

Аннотация. В данной статье рассматривается зарождение и процесс эволюции жанра рассказа в персидской литературе. Уделяется особенное внимание роли данного жанра и его употреблению в поэзии и прозе.

Опорные слова и выражения: рассказ, классификация, мистический эпос, новелла, «Хазор афсона».

Abstract. In this article the origin of the story genre and its development has been observed. The usage of the story in genre as well as its poetic and prose style in novels have been discussed.

Keywords and expressions: story, classification, mystic novelty, novella, “Hazor (thousand) legends”.

Мумтоз форс-тожик тилидаги адабий асарларда турли мазмундаги ҳикоятларга дуч келиш мумкинки, назарда тутилган гоёни тушунишга ёрдам беради. Кўпгина ҳикоятлар оғзаки адабиётдан ёзма адабиётга ўтгани ҳамда турли давр ва аҳолининг турли қатлами ундан фойдалагани учун вариантлилиги ошиб борган. Бугунги кунгача сайқалланиб келган мумтоз адабиётидаги ҳикоятлар асосида айтиш мумкинки, ҳар бир қисса, ривоят ва ҳикоятнинг даврлар оша ривожланиши одамларнинг дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ экан. Шунинг учун ҳикоят жанрининг тарихий

тараққиётини ўрганиб, тадқиқ этиш шарқшунослик йўналишининг асосий вазифаридандир.

(Арабча) «ҳаки» сўзидан олинган ҳикоят (тушунчаси) бирор киши каби бирор ишни бажариш ёки бирор киши каби сўзлаш маъносида келади¹. Адабиёт назарияси бўйича, «ҳикоят ихчам сюжетли қисса ижодий ривоят бўлиб, бир нечта шахснинг қисса муддат даво-

¹ Ҳабибуллоҳ Аббосий. Ҳикоятҳои ирфонӣ ва нақшӣ онҳо дар гуфтомони мансури сӯфиёна. //Пажӯҳишномаи улуми инсонӣ, шумораи 58, Тобистони 1387, С. 124.



мида бир ҳодиса ё амал жараёнидаги ҳаракатларини тасвирлайдиган»¹ жанр ҳисобланади.

«Тасвирланаётган воқеаларнинг қисқа вақт давомида кечиши ҳикоянинг ҳажман кичик, сюжети содда, иштирок этувчи персонажлар сони кам бўлишини тақозо этади. Ҳар қандай воқеа ҳам ҳикоябоп эмас. Ҳикоя асосида ётган воқеанинг яхлит, тугал бўлиши талаб этилади...»².

Эрон олими Ғуломризо Муродий Савмаъасаройнинг таъкидига кўра: «... «ҳикоя»... кетма-кетлик ва давомийлик тушунчаси ҳамда кейин қандай ҳодиса юз бериши ундан келиб чиқади»³. Адабиётшунос Х. Шарифов ҳикоят атамаси илк маротаба «Тафсири Табарий» асарида қўлланилгани, сўнгра ҳикоятлар адабий, тарихий, диний, тасаввуфий китобларда воқеаларни такомиллаштириш ва матлабни шарҳлашга, ахлоқий, ижтимоий, диний-мазҳабий фикрларни кўрсатиш ва тасдиқлаш воситаси сифатида келганини таъкидлаган⁴.

Ғ.М. Савмаасарой қадимги ҳикоятлар ҳақида сўзлар экан, ҳикоятларнинг келиб чиқишини таҳлил қилгач, шундай хулосага келади: «Қадимги давр Эрон адабиёти ҳикоячилиги турли жанрлар – эртақ, масал, новелла ва ривоят билан йўғрилиб кетган. Аммо Эроннинг янги давр ҳикоянавислигини бу адабиётнинг табиий ва мантиқий давоми деб бўлмайди. ... Қадимги ҳикоянавислик имкониятлари янги ҳикоя жараёнида йўл тополмаган»⁵.

Ҳикоят, новелла, кисса, дoston, роман каби жанрлар бир-бири билан ҳажм, услуб, тасвирлаш қўлами жиҳатидан фарқ қилади. Аммо мумтоз форс адабиётида кисса, ҳикоят, ривоят жанрлари орасида бирор кескин фарқ кузатилмайди.

Ҳикоят мавзу ва мундарижаси бўйича ишқий, ахлоқий, диний, ирфоний, фалсафий, ижтимоий ва бошқа турларга бўлинади. Ҳикоят қолипи мумтоз форс-тожик адабиётида энг кўп ривожланган эпик тур ҳисобланади. Ҳар бир тарихий, фалсафий, тасаввуфий, диний асарларда албатта, ҳикоят жанрига дуч келишимиз табиий ҳол. Аммо улар ичида ахлоқий мавзуга бағишланган ҳикоятлар кўпроқ кузатилади, сабаби шундаки, кўпгина диний, ирфоний, фалсафий ҳикоятларда ахлоқий хусусиятлар муржадир. Бундай ҳикоятларда асосан, ростгўйлик, кадрлаш, зийраклик, фидоийлик, жўмардлик каби эзгу хислатлар тарғиб қилинган. Улар ваъзгўйлик пайтида, мадраса дарсларида, бирор фалсафий масалани тушунтиришга қўл келарди. Чунки битта ҳикоят орқали бир нечта масалага ойдинлик киритиш мумкин эди.

Классик наср йўналишида тадқиқот олиб борган адабиётшунос Носиржон Салимов ўрта асрлардаги ҳикоятларни қуйидагича табақалаштирган: 1.Ахлоқий ҳикоятлар; 2.Мазҳабий ҳикоятлар; 3.Тарихий-асотирий ҳикоятлар; 4.Тамсилий ҳикоятлар; 5.Қадимий Ҳинд маданиятидан келиб чиққан ҳикоятлар; 6.Латифага яқин бўлган латиф ҳикоятлар; 7.Шоирлар, олимлар ва қалам аҳлининг ҳаётига боғлиқ ҳикоятлар⁶. Муҳаммад Ризо Рузбех эса ўз асарида ҳикоятнинг 8-та хусусиятини кўрсатиб ўтган⁷.

«Ҳазор афсона» асарини форс тилидаги қадимий ҳикоятларнинг манбаларидан бири деб тан олишимиз мумкин. Чунки ушбу асар милоддан минг йил аввал яратилган эди. Лекин асарнинг бирорта манбаси бизгача етиб келмаганлиги боис унинг ичидаги ҳикоят ва ривоятлар ҳақида бир тўхтамга келишга имкон йўқ. Ҳамид Омулий «Ҳазору як шаб» асарига ёзган сўзбошида таъкидлайдики, бу асар «Ҳазор дostonи Ҳахоманиший» асарининг таҳриф билан таржима қилинган нусхасидирки, мазкур асар

¹ Муҳаммад Ризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Тошкент: «Янги нашр», 2012, Б.176.

² Д. Қуроно, З. Мамажоно, М. Шералиева. Адабиётшунослик луғати. Тошкент: «Академнашр», 2013, Б. 402.

³ Ғуломризо Муродий Савмаъасарой. Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар. «Сино», 2011, 41-42-сонлар, Б.65.

⁴ Шарифов Х. Ҳикоя. // Энциклопедияи Советии Тоҷик. Иборат аз 8 жилд. Ж. 8. – Душанбе: СИЭСТ, 1988. – С. 384.

⁵ Ғуломризо Муродий Савмаъасарой. Эрон ҳикоянавислиги тарихига бир назар. «Сино», 2011, 41-42-сонлар, Б.66.

⁶ Салимов Н. Марҳалаҳои услуб ва таҳаввули анвои наср дар адабиёти форсу тоҷик (асрҳои IX-XIII).–Хужанд: Нури маърифат, 2002. – С. 312

⁷ Муҳаммад Ризо Рузбех. Ҳозирги замон Эрон адабиёти. Тошкент: «Янги нашр», 2012, Б.177

милоддан минг йил олдин яратилган эди. Хоруннарашид даврида араб тилига таржима қилингандан кейин унга ўзгаришлар киритилган¹.

Насрий асарлар вужудга келиб, уларнинг ўқимишли ва таъсирли бўлиши учун ҳикоятларнинг мақоми юксакдир. Шунинг учун қалам аҳли ҳикоятларни мавзуларга бўлиб беришни афзал кўришган. Дарҳақиқат, бир мавзудаги бир нечта келтирган ҳикоят бирор масалани ёритиб беришга туртки бўлади. Шуларни инобатга олган ҳолда, Муҳаммад Авфий 2113-та ҳикоятдан иборат “Жавомеъ ул-хикоят ва лавоме ур-ривоёт” номли тўпламининг юзага келиши учун 93-та манбадан фойдалаган. Китоб тўрт қисмга ажратилган бўлиб, ҳар бир қисм ўз навбатида 25-тадан бобни қамраган². Али Сафийнинг «Латоиф ут-тавоиф» номли асарида ҳам кўпгина ҳикоятлар шу тарзда таснифлаб берилган.

Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома», Унсурулмаолий Кайковуснинг «Қобуснома», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» каби насрий асарларида турли мавзудаги ҳикоятлар мавжуд. Айрим асарлардаги ҳикоятлар бирор мавзуга бағишланган бўлиб, муаллиф улар орқали ўз фикрини тасдиқлайди. Бундай усул Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон” асарларида кузатилади. Муаллиф икки асарда 361 ҳикоятни мавзуй табакалаштириш тариқасида 18 бобда берган³. Абдурахмон Жомий ҳам “Баҳористон” асаридаги ҳикоятларни бобларнинг мазмун ва мундарижасидан келиб чиққан ҳолда табакалаштирган.

Форс-тожик шеъротида ҳикоятнинг илк намуналари Абу Абдуллоҳ Рудакийнинг асарларида кузатилади. Масалан, «Калила ва Димна» асари арабчадан таржима қилингандан кейин уни назмга ўгириш масаласи Абу Абдуллоҳ Рудакий зиммасига тушади. Рудакий ушбу

асарни юксак маҳорат билан назмга солганини бизгача етиб келган айрим байт ва шеърӣ парчалардан ҳам билса бўлади. Абу Шакур Балхийнинг “Офариннома” асарида ҳам сюжетли парчалар кузатилади. Лекин Абу Шакур Балхийнинг ушбу асарида бор-йўғи 300 атрофида байт етиб келгани учун ҳикоятлари тўлиқ эмас. «Хамса»нинг илк асари бўлмиш «Махзан ул-асрор» маснавийсида Низомий Ганжавий таълимий-ахлоқий фикрларини тасдиқловчи мисол сифатида ҳикоятлардан фойдаланган ҳамда «Хафт пайкар» достонида ҳам ҳикоят ичида ҳикоят услубида қолипловчи ҳикоятга кўмаклашувчи ҳикоятларни эргаштириб келтирган. Носир Хусравнинг маснавийларида ҳам ахлоқий мавзуларнинг таҳлили жараёнида турли ҳажмдаги ҳикоятлар берилган.

Айтиш лозимки, давр тақозоси билан шеърӣятта тасаввуфӣй ғоялар кириб келди. Буларнинг асословчилари сифатида Абдуллоҳ Ансорӣй, Абу Саид Абулхайр, Бобо Куҳи, Бобо Тоҳир Урён каби орифлар тан олинса-да, ушбу оқимнинг ривожланишига юзлаб суфӣймашраб шоирлар салмоқли улуш қўшган. Шу тарзда ирфонӣй шеърӣят давом эттиргандан кейин суфӣй ва шайхлар ҳақидаги ривоятлар ҳам назм қолипига киритилаверди. Ирфонӣй достончиликни бошлаб берган Санойӣ Ғазнавӣй “Ҳадиқат ул-ҳақиқа” номли асарида 110 дан ортиқ қисқа ҳажмдаги ҳикоятларни ўз таълимий-ирфонӣй ғояларини тасдиқлаш учун келтириб, янги йўналишдаги ҳикоянавислик мактабига асос солган. Санойидан кейин Аттор ҳикоянависликни давом эттирган шоир сифатида нафақат суфӣёна оҳангдаги ҳикоятлар, балки умуман, назмӣй ҳикоянависликда юксак чўққиларга эришган адиб сифатида эътироф этилган.

Санойӣ ва Аттор Мустамлий Бухорӣйнинг “Шарҳ ат-таарруф”, Хужвирӣйнинг “Кашф ул-махжуб”, Абу Наим Исфаҳонӣйнинг “Ҳият ул-авлиё”, Абдуллоҳ Ансорӣйнинг “Табакот ус-сўфия”, Кушайрӣйнинг “Рисолаи кушайрӣй”, Муҳаммад Ғаззолийнинг “Эҳё ул-улум ад-дин”, “Кимёи саодат” каби асарларининг ҳикоятларини янги кўринишда назм қолипида

¹ Ҳазору як шаб. Нигариш, нигориш ва вийроиши Ҳамид Омулий. Техрон: Тарҳи оянда, 1384, С.8

² Ҳасан Зулфӣқори. Табақабандии қисса. Достонҳои суннати форсӣ (Наҳду баррасии шаклшиносӣ ва гунашносии достонҳои форсӣ). Жасторҳои адабӣ, мажаллаи илмӣ-пажухишӣ, шумораи 166, Пойизи 1388, С.25-26

³ Ҳасан Зулфӣқори. Табақабандии қисса. Достонҳои суннати форсӣ (Наҳду баррасии шаклшиносӣ ва гунашносии достонҳои форсӣ). Жасторҳои адабӣ, мажаллаи илмӣ-пажухишӣ, шумораи 166, Пойизи 1388, -Б.26.



солиб, ўз ният-мақсадларига кўра, улардан фойдаланишган. Санойи ва Атторнинг издошлари бўлмиш Жалолиддин Румий ўз устозларининг ишларини давом эттириб, нафақат ирфоний шеърятни ривожланишига салмоқли улуш қўшди, балки ҳикояна-висликда ҳам янги қирраларни кашф этишга муваффақ бўлди.

Айтиш лозимки, ҳикоят жанри Шарқ адабиётида жуда чуқур илдиз отган жанрлардан бири ҳисобланади. Мумтоз адабиётда ҳикоят жанридан фойдаланилмай қолган бирорта таълимий, ахлоқий асарни учратиш амри маҳол. Зеро, қадим замонлардан ҳар бир фикрга ойдинлик киритиш учун тамсил сифатида ҳикоят ва ривоятлардан фойдаланиш расм бўлиб қолган эди.



РАҲНАВАРД ЗАРЁБ ҲИКОЯЛАРИДА СЮЖЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

КАБИРОВА НАРГИЗА

Таянч докторант, ТошДШИ

Аннотация. Бу мақолада Раҳнавард Зарёбнинг “Тилсимланган шаҳар” номли ҳикоясидаги сюжет линияси таҳлил қилинади. Ҳикоя ҳали ҳаётнинг аччиқ чучугини татимаган содда боланинг тилидан баён қилинади. Аммо бу содда баён замирида афғон жамиятининг аччиқ ҳаётини муаммолари ўз инъикосини топади.

Таянч сўз ва иборалар: мудҳиш қисмат, пейзаж, адолатсизлик, конфликт, симпатия, антипатия.

Аннотация. В статье анализируется линия сюжета рассказа «Проклятый город» Рахнаварда Зарьяба. Данный рассказ был изложен словами простого ребёнка, который ещё не понимает житейские трудности. Однако в его простом изложении нашли отражение проблемы тяжелой жизни афганского общества.

Опорные слова и выражения: трагическая судьба, пейзаж, несправедливость, конфликт, сюжет, симпатия, антипатия.

Abstract: In this article, it is analyzed the line of plot of the story “Damned City” by Rakhnaward Zaryab. This story has been stated by words of the simple child, which hadn't understood difficulties of the life yet. However the problems in the difficult life of the Afghan society have found own reflection in his simple statement.

Keywords and expressions: awful destiny, a landscape, injustice, chronical, concentric, conflict, plot, sympathy, antipathy.

Афғонистон адабиётида замонавий насрий жанр турлари кўлами жуда кенгдир. Бирок уларнинг ичида ҳикоячилик бошқаларига нисбатан кенгроқ ривож топмоқда. Бу жанрда ижод қилиб келаётган таниқли афғон адиби Раҳнавард Зарёбдир. Ёзувчининг ёзган асарларида сюжет яратилишини ғоявий мазмун

бошқаради, ғоявий мазмунни уйғун ҳолда характерлар намоён бўладиган ва ҳаёт зиддиятларини умумлаштирадиган воқеалар силсиласи кашф этади. Воқеалар силсиласи ўз навбатида асар ғоясини бадиийлаштиради, уни жонлантиради. Раҳнавард Зарёб ҳикояларида ҳам худди шундай бадиийликни кузатишимиз мумкин.